

ШАНХАЙ ХАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ БЎЙИЧА ЭКСПЕРТЛАР БАХОСИГА ОИД

Арслонов Иброҳим Баҳодир ўғли

Мустақил изланувчи.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11287043>

Аннотация. Мазкур мақолада бугунги кунда минтақавий муаммолар, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти бўйича экспертлар баҳосига оид мулоҳазалар келтириб ўтилган. Мақола давомида асосли фикр ва хулосалар берилган.

Калит сўзлар: минтақавий муаммолар, Жанубий Осиё маркази, экспертлар баҳоси.

REGARDING THE EVALUATION OF EXPERTS ON THE SHANGHAI COOPERATION ORGANIZATION

Abstract. This article contains comments on today's regional problems, expert opinion on the Shanghai Cooperation Organization. Reasonable opinions and conclusions are given throughout the article.

Key words: regional problems, South Asian center, expert opinion.

ОБ ОЦЕНКЕ ЭКСПЕРТОВ ШАНХАЙСКОЙ ОРГАНИЗАЦИИ СОТРУДНИЧЕСТВА

Аннотация. В статье представлены комментарии по сегодняшним региональным проблемам, экспертное мнение о Шанхайской организации сотрудничества. На протяжении всей статьи приводятся обоснованные мнения и выводы.

Ключевые слова: региональные проблемы, южноазиатский центр, экспертное мнение.

Бугунги кунда минтақавий муаммолар мураккаблашиб, ҳал этилиши шарт бўлган вазифалар кўлами кенгайиб бораётгани сари Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг минтақадаги роли ортиб бормоқда.

ШХТнинг нуфузи ортиши билан бир қаторда, ташкилотни “Анти-НАТО” сифатида кўриш ҳолатлари ҳам кўпайиб бормоқда.

Атлантика Кенгашининг Жанубий Осиё маркази ва Европа маркази экспертлари ШХТни “Анти-НАТО” сифатида кўрилишининг ташкилот аъзоларининг аксарияти АҚШ ва Ғарб давлатлари билан қарама-қарши сиёсат олиб бораётганлиги, Хитой ва АҚШ ўртасида иқтисодий уруш, Хитой ва Тайван ўртасидаги конфликт, Россия, Эрон давлатлари санкциялар таъсири доирасида эканлиги, Марказий Осиё давлатлари билан НАТО ўртасидаги муносабатларнинг яхши эмаслиги, Хиндистоннинг БРИКСдаги иштироки, Покистон ва АҚШ муносабатлари ўртасидаги совуқлик ташкилот ҳамда кўплаб сабаблар туфайли

“Анти-НАТО” ёки НАТОга қарши қаратилган ташкилот сифатида кўрилаётганлигини таъкидлашмоқда.

Шунингдек, Европа ташқи алоқалар кенгаши экспертлари Асли Айдинташбаш, Мари Дюмулин, Элли Геранмаех, Жанка Оертеллар Россия ШХТни НАТОга қарши бўлган ташкилот сифатида кўрсатишга ҳаракат қилмоқдалигини, ташкилотнинг ҳарбий ҳажмини кучайтиришга интилиб, Россия худудида кўшма ҳарбий машғулотлар ўтказишни таклиф

қилаётганлигини, Москва ШХТни Хитой ва Россия бошчилигидаги Ғарбга қарши блокнинг ўзаги деб билишини маълум қилишган. Россиялик тадқиқотчи А.Баранов 2005 йилда ШХТ саммити доирасида Остона декларацияси қабул қилинганлигини, унда Марказий Осиёда жойлашган АҚШ ҳарбий базаларининг чиқарилиш санасини аниқлаштириш қарори қабул қилинганлигини, бу Ғарб давлатлари ва НАТОнинг хавотирига сабаб бўлиб, ШХТнинг асл мақсади АҚШ гегемонлигини жиловлашдан иборат эканлигини кўрсатганлигини таъкидлаб ўтган.

Юқоридаги баҳоларга жавобан “Ал-Жазеера” нашри “Шанхай ҳамкорлик ташкилоти “Анти-НАТО” иттифоқ эмас, бу иқтисодий блок (Европа Иттифоқи каби) ёки НАТО каби ҳарбий иттифоқ эмас, гарчи унинг аъзолари қўшма ҳарбий машқлар ўтказган бўлсалар ҳам” деб, ХМАТМ эксперти Шухрат Иргашев эса Шанхай ҳамкорлик ташкилотини мавжуд блокларга “қарши” тузилган ўзига хос “муқобил блок” деб ўйлаш жуда нотўғри эканлигини, масалан, НАТО, Европа иттифоқи, КХШТ ёки бошқаларга қарши эмаслигини, ШХТ ҳеч қачон ҳарбий блокга айланмаслигини, у геосиёсий баёнотлар бермаслигини, ҳеч ким билан қарама-қаршиликка бормаслигини билдирган ҳолда ғарб экспертларининг баҳоларини инкор этишган.

ШХТнинг кенгайиши бу кўплаб иқтисодий ҳамда терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши курашда ҳамкорликни кучайтишига олиб келсада, бироқ ташкилотнинг кенгайиши минтақавий хавфсизлик таҳдидларининг бартараф этилишига ва ташкилотнинг истиболларига жиддий таъсир кўрсатмоқда.

Россия Ташқи ишлар вазири Сергей Лавров “ШХТ минтақавий ва халқаро муносабатларда тобора муҳим рол ўйнамоқда” каби сўзларида ШХТнинг бугунги кундаги куч ва истиқболларини юқори баҳолаган бўлсада, **Европа ташқи алоқалар кенгаши экспертлари** унинг сўзларига қарама-қарши Тожикистон ва Қирғизистон ўртасидаги чегара тўқнашуви билан бир қаторда ШХТнинг Ҳиндистон ва Покистон ёки Хитой ва Ҳиндистон каби узоқ йиллик душманларни ўз ичига олган ташкилот яқинроқ хавфсизлик иттифоқига айланиши ёки ҳатто ўзининг ички можароларини ҳал қила олиши даргумонлигини таъкидлаб ўтган.

Шунингдек, **Валдаи мухокама клуби** эксперти доктор Вали Калежи ШХТнинг горизонтал ва вертикал равишда тез ва сезиларли даражада кенгайиши самарадорлик, ташкилот сиёсати ва қарорларининг ижро этиш кафолатига салбий таъсир кўрсатганини, Афғонистон, Ҳиндистон яримроли, Яқин Шарқ ва Кавказ каби кенг ва турли ҳудудларни қамраб олган ҳолда кенгайиши бу ташкилотнинг йигирма йиллик билан солиштирганда кўпроқ хилма-хиллигига олиб келганлигини, ташкилотнинг кенгайиши уларнинг қарор қабул қилишдаги қийинчиликлар ва манфаатлар тўқнашувига олиб келиши мумкинлигини таъкидлаган.

Ҳиндистон Марказий Осиё фонди таҳлил маркази директори Нирмала Жоши Афғонистондаги ўзгаришлар ва унинг минтақадаги барқарорлик ҳамда хавфсизликка таъсири бўйича ШХТ аъзолари доирасида бирон бир яхлит позитцияга келмаганликларини, ШХТнинг Афғонистон бўйича ягона стратегияси йўқлигини, ташкилот аъзоларининг Афғонистон бўйича қарашлари турли хил бўлганлиги сабабли минтақада ташкилот

абзоларидан бирининг хавфсизлигига хавф туғдириши мумкин бўлган Афғонистонга эътиборини қаратиши ва ягона стратегия ишлаб чиқиши лозимлигини айтиб ўтган.

Бундан ташқари, **Қозоғистон экспертлари** ШХТ минтақадаги хавфсизлик муаммоларини бартараф этишдаги сусткашликлари билан бир қаторда, ташкилотнинг асосий вазифаси хисобланган терроризмга ҳам курашишда сусткашликка йўл қўяётганлиги, 2023 йил давомида ташкилотга аъзо давлатлар ҳудудида 47 та теракт содир қилинганлигини, бу 2022 йилга қараганда 1 баробар кўплигини, минтақага хавф туғдираётган терроризм ва бошқа ташкилот доирасида ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолар эътиборсизлигича қолиб кетаётганлигини таъкидлаб ўтган.

Шу билан бир қаторда, Эрон президенти Иброҳим Раиси Техрондаги матбуот анжуманида “бизнинг БРИКС глобал альянсидаги аъзолигимиз ва минтақавий Шанхай ҳамкорлик ташкилотига қўшилишимиз, албатта, АҚШ санкцияларига қарши курашда муҳим рол ўйнайди” деб айтиб ўтган бўлсада, **АҚШ экспертлари** бу фикрга қарама-қарши Эроннинг ШХТга қўшилиши ташкилотнинг Шарққа томон кенгайишига олиб келсада, бироқ бирор-бир ижобий жихатларни бермаслигини айтиб ўтишган. **Эронлик эксперт** Воҳид Шақақий Эрон ШХТ доирасида фойда кўриши учун аввало ички иқтисодий тўсиқларни бартараф этиши лозимлигини, жумладан бошқа мамлакатлар бозорига рақобатбардош хусусиятларга эга бўлган товарлар ва маҳсулотларни етказиб бера олиши кераклигини, АҚШ ва Европа иттифоқи томонидан Эрон банкларига нисбатан қўлланилган санкциялар туфайли халқаро савдода АҚШ долларидан фойдаланишда қийинчиликларга дуч келиши мумкинлигини таъкидлаган ҳолда Эроннинг ташкилотга аъзолиги орқали яқин орада катта фойдали манфаатларга эришиши даргумонлигини таъкидлаган.

ШХТда кўплаб манфаатли қарорлар қабул қилинаётган бўлсада, бироқ ташкилотнинг Хитой ва Россия томонлари таъсир доирасида қолаётганлигини кўплаб экспертлар томонидан салбий баҳоламоқда.

АҚШ ва Европа экспертлари томонидан ШХТнинг Хитой ва Россия таъсири доирасида қолиб кетаётганлигини, қарорлар қабул қилинишида уларнинг роли юқори эканлиги тўғрисида баҳолар беришган бўлса, **Россия** эксперти С.Слепченко “Хитой ва Россия умуман жаҳон сиёсатида бўлгани каби ШХТда ҳам олий лигага мансуб. Марказий Осиё давлатлари анча камтарона позитция ва даъволарга эга. Марказий Осиё республикалари учун бутун Евросиёдаги сиёсий муаммолардан кўра, ўз муаммолари муҳимроқ” дея таъкидлаган, шунингдек **Атлантика Кенгашининг Жанубий Осиё маркази ва Европа маркази** экспертлари томонидан ташкилотда асосан Россия ва Хитой омили юқори эканлигини, Хитой ва Россия “кўп кутбли дунё” сиёсатини амалга ошириш учун ШХТдан унумли фойдаланаётганлигини, Марказий Осиё давлатлари асосан уларнинг қарорлари соясида қолиб кетаётганлигини таъкидлаган ҳолда ташкилотдаги Россия ва Хитойнинг ўрнини юқори баҳолашган, уларнинг фикрига альтернатив сифатида **Туркия** эксперти Илёс Кемалўғли Хитой ва Россия сўнгги йилларда яқинлашишига қарамай, уларнинг ШХТ борасида бир қанча келишмовчиликлари борлигини, Москва ташкилотнинг хавфсизлик ва ҳарбий жихатларига, Пекин эса иқтисодий ҳамкорликка эътибор қаратаётганлигини алоҳида таъкидлаган.

Хитой эксперти Сун Чжуанжи “Марказий Осиё аъзолари ШХТни Россия ва Хитой ўртасидаги мувозанатни сақлаш ва унинг кўп векторли ташқи сиёсатини мустақамлаш механизми деб ҳисоблайди. Марказий Осиё давлатлари ШХТ кичик давлатлар манфаатларига кўпроқ эътибор қаратилиши керак, сабаби Хитой ва Россия буюк давлатлар ва ШХТда ҳал қилувчи рол ўйнайди. Шундай қилиб, ўз манфаатларидан воз кечиш бўлса ҳам, ўрта ва кичик мамлакатларга ёрдам кўрсатилиши керак” деган ҳолда Марказий Осиё давлатларининг муаммолари четда қолаётганлигини, асосий эътибор Хитой ва Россия манфаатларига доирасида қолиб кетаётганлигини таъкидлаган.

Умуман олганда, ШХТнинг келажаги пировардида унинг аъзолари тўсиқларни енгиб ўтиш, ҳамкорликни ривожлантириш ва умумий мақсадларга эришишга қанчалик содиқ эканига боғлиқ бўлади. Бундан ташқари, Ташкилот минтақавий барқарорликни таъминлаш ва минтақада иқтисодий ўсишни рағбатлантириш салоҳиятига эга. Бироқ институционал (ташқи сиёсат бўйича қўшма қарорлар қабул қилиш қийинлиги) ва маҳаллий муаммолар (аъзо давлатлар ўртасидаги низолар) нинг сақланиб қолиши келажақда ташкилотнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Бундан ташқари, Афғонистондаги ҳукумат бўйича минтақада юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни баратараф этиш бўйича ШХТнинг муқобил стратегиясини ишлаб чиқилиши лозим бўлади.

REFERENCES

1. Шанхай ҳамкорлик ташкилоти: тараққиётнинг янги чегаралари сари / Муаллиф: А.Ф. Клименко. - 1-чи. - М.: ИФЕС РАС, 2008. - 400 п. - 300 нусха.
2. Россиянинг Хитой ва Шанхай ҳамкорлик ташкилотидagi бошқа шериклари билан ўзаро ҳамкорлиги / Анатолий Викторович Болятко. - 1-чи. - М.: ИФЕС РАС, 2008. - 180 п. - 300 нусха.
3. Комиссина И. Н.; Куртов А. А. Шанхай ҳамкорлик ташкилоти // Кокарев К. А. Россия Осиёда: ўзаро таъсир муаммолари: мақолалар тўплами. - М.: РИСИ, 2006. - Б. 251-316
4. Алешин В. А. Россия энг яқин геосиёсий маконда коллектив хавфсизлик тузилмаларида. // Ҳарбий-сиёсий журнал. - 2009. - Но 7. - В.30-34.
5. Чжао Хуашенг. Хитой, Марказий Осиё ва Шанхай ҳамкорлик ташкилоти. - М.: Москва Карнеги маркази, 2005. - 63 п. - (ишчи материаллар; Н5)
6. Комиссина И. Н., Куртов А. А. Шанхай ҳамкорлик ташкилоти: янги воқеликнинг пайдо бўлиши / Комиссина И. Н.; Куртов А. А.. - 1-чи. - М.: РИСИ, 2005. - 117 б.
7. Г. А. Тусупбаева, Т. Т. Шаймергенов - Марказий Осиёда минтақавий хавфсизликни таъминлашда халқаро тузилмаларнинг роли: ШХТ ва НАТО истиқболлари, "Хавфсизлик ва минтақавий ҳамкорлик бўйича учинчи йиллик Олмаота конференцияси" материаллари тўплами, Олмаота, 2005 йил.
8. З.Бжезински - “Хитойнинг Ғарбга янги суриш”, АҚШ Стратегик ва халқаро тадқиқотлар маркази, 2003 й.
9. Ж.В.Гарвер - Янги Россия-Хитой стратегик ҳамкорлиги. Узоқ Шарқ Рапалло // XX аср охири - 21-аср бошларида Россия, Хитой ва Шимолий-Шарқий Осиёнинг бошқа мамлакатлари ўртасидаги ҳамкорлик истиқболлари. “Хитой, Хитой цивилизацияси ва дунё. Тарих, замонавийлик, истиқболлар” (Москва, 1997 йил 7-9 октябрь)

10. А. Писарев “Хитойнинг икки банки” ва Россия манфаатлари // Про эт Сонтра, 3-жилд, 1-сон, 1998 йил.
11. В. Э. Петровский Совуқ урушдан кейинги Осиё-Тинч океани хавфсизлик режимлари: эволюция, ўсиш истикболлари. иштироки/ИФЕС РАС. - М.: Тарихий обидалар. фикрлар, 2004 йил
12. А. Г. Арбатов - рус миллий ғояси ва ташқи сиёсати. - М.: МОНФ, 2002 йил
13. А. Д. Воскресенский - Хитой ва Россия: давлатлараро муносабатлар назарияси ва тарихи. М.2004.
14. Д. В. Эфременко. Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ривожланишининг янги босқичи // Хитой жаҳон ва минтақавий сиёсатда. Тарих ва замонавийлик. XXIV сони: йиллик нашр